



QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI

UCHINCHI RENESSANS G'UYASINING IJTIMOIY – MADANIY AHAMIYATI

*Respublika ilmiy-nazariy konferensiya
materiallari*

22-may, 2021-yil



MUNDARIJA

№	Muallif F.I.SH.	Mavzu	Bet
1	Д.Х. Набиев	“Учинчи Уйғониш ғояларининг илм-фан тараккиётидаги ўрни”	3
I-SHU'BA YANGI RENESSANSNING IJTIMOIY-SIYOSIY MASALALARI			
2	А.П. Эркаев	Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда ажодлар анъаналаридан фойдаланиш	7
3	R. Boyqobilova	Ibn Sinoning tabiiy va ilmiy-falsafiy merosi	15
4	Ф.Ф. Турсунов	Ренессанс даврида ҳуқуқий таълимнинг ривожланиш тарихи	20
5	Н.С. Ўрокова	Глобаллашув жараёнида ёшлар тарбияси	26
6	А.Т.Якубов	Битимларнинг ҳуқуқий асослари	30
7	M.Q. Ismoilova B.U. Nufullayev	Uzbekistan is on the threshold of a new era – the third renaissance	35
8	Ф.Р. Маллаева	Янги Ўзбекистонда жамият маънавий ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишлар	40
9	А.Т.Якубов	Интеллектуал мулк – фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида	45
10	Ш.Бойбекова	Фаннинг жамият ривожидagi роли	49
11	Н.А. Бахриева	Мактабгача ёшдаги болалар ижтимоийлашувининг муҳим омилли	53
12	Э.М. Боратов	Адолат – Амир Темурнинг бош ғояси	56
13	N.A. Axmadova	O'zbekistonning Birlashgan millatlar tashkiloti bilan xalqaro hamkorligi.	61
14	M.Mustafayeva	Qonun va jinoyatchilikga doir terminlar va ulaming ingliz-uzbek tillaridagi qiyosiy tahlili	66
15	X.Nomozov	Yangi O'zbekiston sharoitida barkamol insonni shakllantirishda ma'naviyatning o'rnini	69
16	Sh.Shernazarov	Yoshlar ijtimoiy himoyasining ustuvor yo'nalishlari	73
II-SHU'BA “YANGI O'ZBEKISTON” SHAROITIDA KADRLAR TAYYORLASH MASALASI.			
17	А.А. Сорокин А.В. Половникова	Формирование ценностных установок будущих учителей истории и обществознания в ходе реализации программ высшего образования	78
18	З.П. Надирова З.А. Элчаев	Педагогика соҳасида интуиция	81
19	О.Ф. Давлатов	Таълим соҳасидаги инновация ва касбий компетентлик масалалари	89
20	G.S.Uzoqova S.Umirov	Fizika ta'limiga zamonaviy yondoshuv va innovatsion texnologiyalar	92
21	М.Файзиева	Шахсга йўналтирилган таълимни миллий кадриятлар асосида ташкил этишнинг психологик хусусиятлари	96
22	В.В. Шаповал	Национальные школы в Москве и Ленинграде накануне первой пятилетки	100

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Н.Шермухамедова. Фалсафа. Ношр нашриёти. Тошкент 2012. 38-б
2. Н.Шермухамедова. Фалсафа. Фан методологияси. Университет нашриёти. Тошкент 2005. 63-б

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ИЖТИМОЙЛАШУВИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Н.А. Бахриева – *БухДУ ўқитувчиси*

Кейинги йилларда педагогикага эмоционал (ижтимоий) интеллект тушунчаси кириб келди. Мулоқот жараёнида мактабгача ёшдаги болаларнинг эмоцияларига қараб унинг истаги, мотивацияси, нияти, мақсади, муддаосини англаш ҳамда амалий вазифаларни бажариш жараёнида ўзининг ва суҳбатдошининг эмоцияларини бошқара олиш қобилияти эмоциялар коэффициентлари даражасини белгилайди. Ўқитувчининг педагогик маҳорати натижаси унинг эмоциялар коэффициентига, яъни, эмоционал интеллектга боғлиқ эканлигини бугунги кунда педагогик амалиёт ҳамда янги, педагогик-психологик изланишлар натижалари кўрсатмоқда.

Эмоциялар айниқса мактабгача ёшдаги болалар ҳаётида муҳим мослаштирувчи функцияни бажаради ва улардаги шахслараро муносабатларни, машғулотларда интерактив фаолиятни амалга оширганда муваффақиятни таъминлайди, иккинчидан эса, турли вазиятларда ундан чиқиб кетиш учун бола организмнинг имкониятларини юзага чиқаради.

Ижобий ҳиссий ҳолатлар мактабгача ёшдаги болаларда турли малакаларни ривожлантириш учун муҳим рол ўйнашини ҳисобга олган ҳолда фаолиятларнинг ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Педагогик мулоқотда товушнинг ўзгариши ва ўзига хос тони, ёқимлилиги, мимика, ҳаракатлар каби эмоцияларнинг намоён бўлиш шакллари новербал коммуникация сифатида кенг қўлланилади. Эмоциялар айниқса мактабгача ёшдаги болалар ўртасида юқумлилиқ характерига эга бўлиб, бошқаларга тез ўтиш эҳтимолига эгадир.

Ўқитувчи эмоционал жиҳатдан педагогик маҳорат намоён бўлишининг аниқ ва ишончли нуқтасини топа олиши муҳимдир. Ҳар бир машғулотда мақбул эмоционал вазият, кайфият ярата олиш – таълим самарадорлиги омилига айланади.

Фанда эмоцияларнинг пайдо бўлиши сабаблари ва динамикасини тушунтирувчи кўпгина (П.Бард, У.Жеймс, У.Кеннон, К.Ланге, С.Шехтер ва б.к.) назариялар мавжуд. Шундай назариялардан бири америкалик психолог Лео Фестингерга тегишли бўлиб, у *когнитив диссонансга* доир бўлиб ҳисобланади[1]. Мазкур назарияга кўра, шахснинг кутишлари билан фаолияти натижалари консонансга эга бўлса, у ижобий эмоцияларни ўзида ҳис этади. Бу назария кузатишга асосланади. Унга кўра шахс у ёки бу вазиятни қандай идрок этиши ёки қандай баҳолашига қараб у ёки бу эмоцияни ҳис қилади.

Масалан, мактабгача ёшдаги бола ёқимли деб ҳисоблайдиган бирор кўғирчоғи борасида - бу кўғирчоқ нима учундир менга ёқмайди десангиз, бу ҳолат унда тасаввурлар тўқнашувини келтириб чиқаради. Яъни, мактабгача ёшдаги бола онгида мазкур асар борасида шаклланган ижобий тасаввур сиз томонингиздан билдирилган салбий тасаввур билан бир хил эмас, бу болада когнитив диссонанс ҳолати келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Ёки фарзандингиз сиз машғулот ўтаётган гуруҳда тарбияланса, уни айрим камчиликлари учун жеркиб берадиган бўлсангиз, бу ҳолат унда когнитив диссонансга сабаб бўлиши мумкин, чунки, фарзандингиз билан уйда ижобий, анча чуқур мулоқотга киришингиз мумкин, мактабгача таълим ташкилотида эса сиз устоз сифатида у билан маълум дистанцияда, расман муомала қилишингиз талаб этилади.

Турли эмоцияларни ифодалаш ва бошқаларга узатишда мураббийлар эмоционал ҳолатларнинг пайдо бўлиши табиатини яхши билишлари лозим. Бу эса ушбу эмоцияларни ўз педагогик фаолиятларида янада кучлироқ акс эттиришлари учун имконият яратади.

Қувонч эмоцияси – яқин дўстлар билан учрашув, кўпдан бери кўрмаган жойларда бўлиш, табиат ва санъатга қизиқиш, у билан ошно бўлиш; негатив эмоциялар эса – ғазаб, кўрқувдан халос бўлиш жараёнида пайдо бўлади.

Тадқиқотчилар мактабгача ёшдаги болаларда қайси ҳолатларда у ёки бу эмоцияни кўзғатишда қайси ифода воситаларидан фойдаланиш самарали эканлигини аниқлашган. Маълум бўлишича, мулоқот жараёнида ифодаланадиган эмоция ҳамиша маълум мазмун билан боғлиқ ва бу мазмун кайфият орқали намоён бўлади. Жумладан, назм (шеърый матн) аффеқтга йўналиш бериб, унинг таъсир кучини оширади, шу учун бадий асарлар халқ қалбига чуқур сингиб кетган. Булар борасида махсус педагогик-психологик билим ҳамда малакаларнинг шаклланганлиги ўқитувчининг касбий маҳорати ошиб боришига имкон яратади.

Мактабгача ёшдаги болаларни фаол ҳаракатга етакловчи мотивацияни ўзгартиришда турли мимика реакцияси машқлари ижобий натижа бериши мумкин[2,46]. Бу каби машқларни ҳамма болалар бирданига, ўтирган ҳолда, бир-бирининг эмоционал реакциясини кўрмасдан ва бир-бирига таъсир этмаган ҳолда бажариши лозим. Машқ вазифаси тарбиячи томонидан вазиятни белгилаб бериш билан бошланади. Ҳар бир вазиятдаги реакцияни намоён этишда мимика, яъни эмоционал ҳолатнинг устоз-тарбиячи чеҳрасида акс этиши - вазифа мазмунини белгилайди.

Айтиш лозимки, педагогик маҳорат устоз-тарбиячининг машғулот материалини мактабгача ёшдаги болаларга сингдиришида унинг эмоционаллиги даражасига, яъни, ўз эмоцияларидан қанчалик даражада кенг фойдалана олишида намоён бўлади ва бу педагогик фаолият натижасини белгиловчи муҳим омиллардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Когнитив диссонанс. Эл.манзил: [https:// news. mail.ru/ guide/ kognitivnyy- dissonans](https://news.mail.ru/guide/kognitivnyy-dissonans)

2. Ражников В.Г. Динамика художественного сознания в музыкальном обучении: Автореферат доктора психологических наук в виде научного доклада. - М., 1993. – 69 с.

АДОЛАТ – АМИР ТЕМУРНИНГ БОШ ҒОЯСИ

Элдор Боратов – *муст.тадқ., ҚарДУ*

Тарихдан бизга маълумки, қайси бир давлатда адолатпарвар подшоҳ ҳукмронлик қилган бўлса, ўша мамлакатда илм-фан рифожланган, аҳоли фаровон яшаган. Адолат оёқости қилинган жойда эса, разолат ҳукм суриб, жамият тубанликка юз тутган.

Қадимги юнон донишманди Эсхил: “Кучсиз адолат ва адолатсиз куч – иккови ҳам даҳшат”, – деб ёзган эди. Сўнгра у фикрини шундай давом эттиради: “Агар куч адолат билан бирлашса, бу ҳамкорликдан кучлироқ нима ҳам бўлиши мумкин?”

Адолатпарварликка оид олижаноб инсоний фазилатлар айниқса Соҳибқирон Амир Темур шахсига хос эди.

Амир Темур ҳаётининг мазмунини адолат билан бирга, инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони ташкил этган. У оламнинг ярмига жаҳонгирлик қилган бўлса ҳам, куч-қудрат – зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини эътироф этган.

Соҳибқирон том маънода халқпарвар ҳукмдор бўлиб, мамлакатда адолат, тинчлик ва фаровон ҳаётни таъминлаш учун курашди. “Амир Соҳибқирон, - дейди Низомиддин Шомий, - раиятлар аҳволини чуқур текшириб, мазлумнинг додини золимдан олди, мамлакатнинг хароблигу ободонлиги борасида маълумотлар олишга илтифот кўрғазди. Ҳар кимнинг ҳақ-ҳуқуқини ўз ўрнига қўйган ҳолда халойиқнинг ҳар бир тоифасини турли туман меҳрибонликлар билан сийлади: сайидларни улуғлашу эҳтиром, амирларни инъом, уламоларни эъзозу икром, заифларни саховату эҳсон, раиятни амонлигу одиллик билан хушнуд этди. Шунинг учун унинг муборак зоти Худойи таолонинг лутфу иноятига сазовор бўлди...” [1].